



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 98 (8838).

15 май, 1986 йил

ПАЙШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

САРАТОН СИНОВДАН ЎТКАЗАДИ

Бу йил районимиз ми-
ришкорлари 8234 гек-
тар майдонда чигит эк-
дилар. Тажрибадор му-
тахассислар ва уста деҳқон-
ларнинг бутун диққат-эти-
бори гектарларнинг тўла,
кўчатларнинг бут бўлишини
таъминлашга қаратилмоқ-
да. Бунга осонликча эриши-
лаётгани йўқ. Чунки, ерда
табиий нам етарли бўлма-
ди. Уруғнинг узиб чиқиши
анча қийинлашди. Шу ту-
файли 443 гектар майдонга
чигит суви беришга тўғри
келди.

Айни кунларда пахтакор-
ларимиз тажриба ва маҳор-
ратларини сувдан тежамли
фойдаланишга қаратмоқда-
лар. Чунки, ҳавзаларда ту-
ланган сув запаслари кўн-
гилдагидек эмас. Айни са-
ратон кезларида сувнинг
тақчил бўлиши кўтилмоқда.
Бироқ, шунга қарамай деҳ-
қонларимизнинг руҳлари те-
тич. Улар ҳар бир имкони-
ятдан фойдаланиб, сувнинг
беҳуда оқибатига йўл қўй-
маслик чораларини кўр-
моқдалар. Район агроно-
ат бирлашмаси, сув ҳўжа-
лиги бошқармаси ҳодимла-
ридан иборат махсус комис-
сия — гуруҳлар тузилган
бўлиб, улар ҳўжаликларда
иш олиб бормоқдалар.

Далама-дала, картама-
карта юриб сув тақсими-
нинг қандай йўлга қўйил-
ганини, оқова сувлари зо-
вурлардан насослар ёрдами-
да чиқарилиб, пахтазорлар-
га қай тартибда қўйилаёт-
ганини назорат қилмоқ-
далар. Аниқланган камчи-
ликларни ўша ернинг ўзинг
муҳаббатли, бригада бош-
лиқлари, сувчилар ишти-
рокида муҳомаа қилиб уни
туғатиш тадбирларини бел-
гиламоқдалар.

Бу яхши самара бераётди.
Мутахассислар, сувчилар-
нинг масъулият, ошмоқда.
Ҳўжаликларда тунги на-
батчи сувчилар сонини анча
кўпайтирилди. Ғўзалар бир
меъёрга қониб сув ичаёт-
ганини туғайли авжи те-
лашмоқда. Эртани ҳосил
етиштириш учун замин яра-
тилаётди.

Бирок, сувдан фойдала-
ниш самарадорлигини оши-
ришда ишимизга ҳалакат бе-
раётган муаммолар ҳам йўқ
эмас. Гап шундаки, Охунбо-
ев номи, Усмон Юсулов но-
ми, «Соҳибкор» совхоз-
ларида экин майдонларининг
каттагина қисми насослар
ёрдамида суғорилади. Ле-
кин, мазкур ҳўжаликларда
мавжуд агрегатлардан уз-
луксиз ва тўлиқ фойдала-
ниб бўлмайпти. Сабаби,

ёнилғи-мойлаш материал-
лари етишмайди. Шу ту-
файли насослар иши баъзан
тўхтаб қолади.

Агрегатлар, чопиқ трак-
торлари, ҳайдов тракторла-
ри учун ажратилган ёнилғи
ҳисобига насосларни ишла-
тишга мажбур бўлаётизми.
Бу ҳол меҳнатни ташкил қи-
лишни анча қийинлаштир-
моқда. Бу камчилик ҳўжа-
ликларга қимматга тушмоқ-
да. Қачонгача мутасадди
ташкilotлар бу муаммони
ҳал қилишга панжа ораси-
дан қарайдилар.

Яна бир масала. Райони-
мизда бир неча ҳўжалик
Паркент каналдан сув ича-
ди. Аммо, канал кўнгила-
гидек ремонт қилиниб, мав-
сумга пухта солинмаганли-
ги маълум бўлиб қолди. На-
тижада, каналдан оқаётган
сувнинг маълум қисми ериқ
— тешик жойлардан
керасиз жойларга оқиб ту-
шиб исроф бўлмоқда. На-
ҳотки, «Паркентводстрой»
трести раҳбарлари сув тақ-
чил бўлган бу йилги ша-
роитда камчиликнинг олдини
олиш учун чора кўрмасла-
шар. Деҳқонларимиз ана
шу саволга аниқ жавоб ку-
тмоқдалар.

Лекин, булардан қатъий
назар деҳқонларимиз мўл
ҳосил етиштириш учун ўз
имкониётларини тўла са-
фарбар этиш учун ҳаракат
қилмоқдалар. Улар айниқ-
са, суғориш билан култи-
вация ўртасида узил-
лишга йўл қўймаслик чо-
раларини кўрмоқдалар.
Тўпроқ етилиши билан ғўза
қатор оралири майин ю-
мшатилаяпти. Нам узоқ са-
ламмоқда. Ниҳоллар чан-
қаб қолмаяпти.

Биз ишни ана шу тараф-
да ташкил етаетган моҳир деҳ-
қонларнинг тажрибаларини
ўрганиб, оммалаштиришга
алоҳида эътибор бермоқда-
миз. Чунки, ғўзаларга қал-
чалик сифатли ишлов бе-
риш, сув қувиш муддатини
шунчалик узайтириш мум-
кин бўлади. Демак, суғориш
учун ажратилган сувнинг
маълум бир қисми тежала-
ди. Бу катта резерв.

Мўл ҳосил учун кураш
кун сайин авж олдирилмоқ-
да. Районимиз деҳқонлари
ҳар гектаридан 31,6 цент-
нердан ҳосил олиб давлат-
га 25 минг 900 тонна пахта
топиштиришга сўз берганлар.
Улар, албатта, ўз сўзлари-
нинг уддасидан чиқадилар.

Ж. ҒАҒФОРОВ,
Коммунистик район агро-
саноат бирлашмаси бош
агрономи.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

«Ташводстрой» трести-
нинг қуриш-монтаж бош-
қармаси Ўрта Чирчиқ райо-
нидаги Ким Пен Ха номи
колхоз территориясида ир-
ригация ишларини олиб
бормоқда. Далага сув
чиқариш учун новлар ўр-
натилмоқда. Суратда: (чап-
дан) бошқарма ҳодимлари-
дан С. Шамшиқўжаев ва
Р. Усейнов ўртоқлар ерининг
паст-баландлигини текши-
риб кўрмоқдалар.
А. Зүфаров фотоси.

ПЛАҒА ҚЎШМЧА ҲИТЛАР


МИНЕРАЛ ҲИТЛАР тай-
ёрлашни янада қўлайтириш
мақсадида «Электростан-
ция» ишлаб чиқариш бир-
лашмаси аммиак селитраси
цехи коллективни янада унум-
лироқ ишламоқда. Цех кол-
лективининг кварталда
планда белгиланганидан 21
минг тоннадан ортиқ маҳсу-
лот ишлаб чиқаришга му-
ваффақ бўлди.

Коллектив тўрт ойлик
топириқларни ҳам муваф-
фақиятли адо этди. Цех иш-
чилари планга қўшимча
минглаб тонна маҳсулот иш-
лаб чиқарди. Бунда Г. Са-
пиров, Г. Тўрғоева, Ю.
Бойматов, С. Селеметова,
А. Икромов, Т. Шокиров-
лар муносиб ҳиссаларини
қўшдилар.

Э. РИЖИКОВА.

Шу кунларда «Главташ-
кентстрой»га қарашли са-
ноат корхоналари, қуриш
трестлари, автоҳўжаликлар
коллективлари ўртасида ўз
ишқини беш йилликнинг
биринчи йили планни му-
ддатидан илгари бажариш
учун бошланган мусобақа
тобора қизиги тус олмоқда.
Бу меҳнат беллашувинда
«Ташкентгазотомонтаж» трес-
ти 2-монтаж бошқармаси
бизнокорлари ҳам актив иш-
тирок этиляпти.

Бошқарма ишчилари
КПСС XXVII съезди ҳамда



ПОИТАХТИМИЗ ҚУРИЛИШЛАРИДА БРИГАДАНИНГ ҲИССАСИ

Ўзбекистон Компартияси-
нинг XXI съезди қарорла-
рини ҳаётга тадбиқ эта бо-
риб, барча объектларда си-
фат ва суратда алоҳида
эътибор бермоқдалар. Бош-
қарма муваффақиятига Ўз-
бекистон ҳисобчиларидаги
сантехниклар бригадаси кол-
лективининг салмоқли иш-
лашини қўшмоқда. Улар

айни кунларда пойтахтимиз-
нинг Бешёғоч массивида
бунёд этилаётган 48 квар-
тали турар-жой биносиди,
восидровод, канализация,
иссиқлик тармоғига онд иш-
лари бажаришмоқда.

Бригада коллектив 11
кшидан иборат бўлиб қўн-
илиги тажрибали бино-
корлардир. Объектадаги сан-

техника ишларининг тез ва
сифатли бажарилишида
Шавкат Миробидов, Абду-
ваҳоб Мусаев, Ойил Со-
қов, Рустам Хайдаров, Ер-
мамад Тахтақонов, Бах-
тиёр Ҳасанов сингари илгор
ишчилар қўнлик нормалари-
ни 1,5—2 Ҳиссадан адо
этиляпти.

Бригада аъзолари объек-
ти-ни шундан фойдала-
нишга таъминлаш учун барча
резерв ва имкониётларини
ишга солимоқдалар.

Э. ТУЛАГАНОВ.

ГРАФИКДАН ЎЗАЭТГАНЛАР

«УЧУН» тўқимачилик-
галатерия ишлаб чиқариш
бирлашмаси коллективи
КПСС XXVII съезди ва Ўз-
бекистон Компартиясининг
XXI съезди қарорларини
ҳаётга тадбиқ эта бориб, ме-
ҳнатда яхши натижаларни
қўлга киритмоқда. Жумла-
дан, корхона коллективни ўн
иккинчи беш йилликнинг
дастлабки йили биринчи
квартали ва тўрт ойлик план-
ларини ортиги билан адо эт-
ди.

Бирлашманинг бу муваф-
фақиятига комсомол-ешлар
ҳам муносиб улуш қўшмоқ-
далар. Қўнчилик йигит-қиз-
лар графикдан анча ўзиб
ишлашмоқда. Назира Аъза-
мова, Манзура Қўзиева, Са-
боҳат Примова, Мавлуда
Маҳмадова, Зулфия Маллае-
ва, Маърифат Сантова,
Шоира Мавлонова, Ҳадида
Ҳалимова сингари пешқадам
қизлар 1987 йилнинг бирин-
чи квартал плани ҳисобига
маҳсулот ишлаб чиқаришпа-
ти.

У. МУҲАМЕДОВ.

ЕР ОСТИ СУВЛАРИ—ПАХТАЗОРГА

БУКА. (Махсус муҳбири-
миздан). Асосий майдонла-
рда чигитни бир текис уни-
риб ғўзаларни бўтлаб олиш
учун курашадиган деҳқон-
лар шу кунларда сув тақчил-
лигини олдини олишга қара-
тилган қатор тадбирларни
ҳам амалга оширмоқдалар.

Авалло шунинг айтиш ке-
ракки, райондаги сув йўллари-
ни мавсумга тайёарлашга
алоҳида эътибор берилди.
Ариқ ва каналларни капитал
ремонтдан чиқариб, сошлаш
учун 90 минг сўмликка қи-
н иш бажарилди.

Қўшимча сув манбалари

— коллектор, зовур сувла-
ридан фойдаланиш мутахас-
сислар, ҳўжалик раҳбарла-
рининг диққат-этиборида
бўлмоқда. Ҳозирга қадар
электр қуввати билан ишла-
диган 8 та стационар насос
станцияси тайёрланди. Ма-
шиналар ремонт қилиб бў-
линди. Шунингдек, янгилик
33 та дизель ва насос стан-
цияси келтирилиб энг зарур де-
б топишган жойларга ўрнатил-
моқда. «Узспецводдренаж»
ва республика йиллов мел-
iorация қурилиш бирлашмаси
томонидан 1983—1984
йилларда қазилган қудуқ-
ларни ремонт қилиш ва ус-

қуналир билан таъминлаш
ишлари ҳам ниҳоятда етис-
илмоқда. Сувнинг ерга ши-
милиб кетишини камайти-
риш мақсадида 6 километр
узунликдаги канал бетонлаш-
тирилди.

Бу йил сув тақчил бўла-
ётганини учун районга ўт-
ган йилдагига қараганда ан-
ча кам лимит бўйича сув
ажратилган. Мутахассислар
зовур оқова сувлари билан
қанча майдонлардаги ғўза-
ларни суғориш мумкинлиги-
ни ҳам ҳисоблаб чиқдилар.
Ана шундан сўнг қайси ҳў-
жалика қанча мийдорда сув
бериш мумкинлиги аниқлаб

чиқилди, график тузилди.
Ана шу график бўйича ҳў-
жаликларга ҳар 10 кунлик
давомида сув тақсимланади.
Сув тақсимида лимитга
амал қилиниши қатъий назор-
атда бўлади.

Булардан ташқари, —
дейди район агроноат бир-
лашмаси раиси Г. Ботиров,
— Белгиллаб чиққан тадбир-
ларимизга кўра қўшимча 16
та дизель насоси ҳам ишга
туширилади. 6 километрлик
масофага сув трубапар орка-
ли етказиб берилади.

Бўқалик деҳқонлар сув-
нинг ҳар қатрасидан оқило-
на фойдаланиш учун ана
шундай ишларни амалга
оширмоқдалар.

НОВАТОР ВА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Бутуниттифоқ ихтирочи-
лар ва рационализаторлар
жамияти Ўзбекистон рес-
публика кенгашининг 14
май куни Тошкентда бў-
либ ўтган пленумида
КПСС XXVII съезди бел-
гилаб берган жадаллашти-
риш программаси асосида
ишлаб чиқариш новаторла-
рининг вазифаларини муҳо-
маа қилинди.

Ўзбекистон ихтирочилари
ва рационализаторлари жа-
миятининг тўрт юз мингга
яқин аъзоси бор. Уларнинг
ихтиролари ва рационали-
зорлик тақлифларини жо-

рий этишдан йилга уч юз
миллион сўмдан кўпроқ иф-
тисодий наф олиномоқда. Би-
рок, топириқлар тақлифлар
билан жорий қилинган янги-
ликлар ўртасида ҳамоно
катта тафовут борлиги пле-
нумда таъкидлаб ўтилди.
Пленум ихтирочили, ра-
ционализаторлик ва патен-
тизация ишлари ахшилаш,
ихтирочилик ва рациона-
лизаторлик тақлифларини
тезроқ жорий этиш юзаси-
дан конкрет тадбирларни
белгилади.

У. ТАТАГ.

СЎНГИ СОАТ

◆ ПНОМПЕНЬ. Кампу-
чия пойтахти саноати ва ҳу-
нармандчилиги бултур эриш-
ган муваффақиятлар ша-
ҳар ва бутун мамлакат аҳо-
лисини энг зарур бўюмлар
билан тўлароқ таъминлаш,
шундай камбалирини импорт
қилишни бажайтириш имко-
нини берди. Пномпень халқ
революцион комитетининг
бу ерда бўлиб ўтган мажли-
сида ана шулар таъкидлаб
ўтилди.

Совет Иттифоқи, бошқа
социалистик мамлакатлар
билан ҳамкорлик туғайли
бу ерда бир қанча янги са-
ноат объектлари ишга туши-
рилди. СССРнинг техника-
вий қўмаги билан барпо
этилган дизель электр стан-
цияси, асфальт-бетон за-
води, давлат қурилиш таш-
килоти шундай объектлар
жумласидандир.

◆ ХАНОИ. Вьетнам пой-
тахтининг ишчилар синфи,
меҳнатқашлари, мамлакат-
нинг бутун халқи билан бир-
галликда республика комму-
нистларининг бўлажак VI
съездининг меҳнат ютуқлари
билан қўшиб олишга азму-
қарор қилишган, деди ВКП
Марказий Комитети Сиёсий
бюросининг аъзоси, ВСР
Министрлар Советининг
Раиси Фан Ван Донг. У
Ханойдаги меҳнат коллек-
тивларининг вакиллари бил-
лан учради.

Шаҳардаги саноат, қури-
лиш ва транспорт корхона-
лари, кооперативлар деб, у-
тириди у, йил бошдан буюн

меҳнат унумдорлигини оши-
риш, иқтисод қилиш ва те-
жамкорлик учун курашда
фидокорлик намуналарини
кўрсатмоқда.

◆ ЛИМА. Перу президен-
ти Алаи Гарсена ҳукумат-
нинг ерни деҳқонларга бе-
риш тўғрисидаги қарорини
эълон қилди. У деҳқон жа-
моалари вакилларининг
Пьюра шаҳрида бўлиб ўт-
ган биринчи миллий учра-
шувида нутқ сўзлаб, рес-
публика конгрессиини муҳо-
маага тақдир этилган те-
гишли қонун лойиҳасини қа-
бул қилишни таълаштириш-
га чакирди. Давлат бошлиғи
бундан аввалги ҳукуматлар-
нинг аграр сиёсатини танқид
қилди ва Перу марказий ре-
зерв банки президентни эми-
масига қишлоқ меҳнатчил-
ларга ёрдам фондини қўйи-
тириш вазифасини юклди.

◆ БЕРЛИН. Ахборот ва
алоҳа воситалари ҳосасида
замонавий технологиялар-
дан фойдаланишнинг иж-
тимоий-сиёсий жиҳатлари
ва таъсири ГДР пойтахтида
очилган халқаро конферен-
циянинг диққат маркази-
да турбди. Конференция
ишда 18 мамлакатдан, шун-
ингдек Ғарбий Берлиндан
келган 150 га яқин му-
тахассис қатнашмоқда.
Компьютер техникасини
жорий этиш ва ундан самар-
али фойдаланиш инфор-
матика, психология соҳа-
сидаги мутахассислар ва
меҳнат ташкил этиш
проблемалари билан шуғул-
ланувчи олимлар ўртасида
яна ҳам маҳкамроқ ўзаро
ҳамкорлик қилишни талаб
этиётганили ана шу илмий
анжуманда ўқитиб ўтил-
ди.

(ТАСС, 14 май).

НИШОНА

САВРИ АЯ бугун ҳам
тоғ отмасдан уйдими. Би-
роз таралудан сўнг, тўғри
қуртхонага йўл олди. Кел-
ган заҳотиёқ атрофини сариш-
та қилди. Хона ҳароратини
кўздан кечириди. Қўнгила-
гидек — 26 даража иссиқ.
Ая сўрилардаги ипак курт-
ларини бир-бир кўзатар қил-
ди, оралиғида бир донга
нишона — пилла пайдо бўлиб-
ди. У бир неча фурсат пил-
ладан нигоҳини узолмай тур-
ди...

Қўп ўтмай ая бир қучоқ
барг кўтариб келди-да, сўри-
ларга бир текис қилиб сола
бошлади. Ипак қуртлари

баргининг исини сезгач, ип-
аклаб ҳаракатга тушдилар.
Саври аянинг ёшлари 70
дан ошган. Лекин шундай
бўлишга қарамай бу киши
ҳар йили ипак қурти боқиш-
дан толмайдилар. Кўп йил-
лик тажрибаларини ёшлари
эринмай ўргатадилар. Бу
йил уларга ипак қурти бо-
қишда келини Ҳабиба Бер-
диева яқиндан ёрдам бер-
моқда.

— Пиллачиликнинг сир-
ларини Саври аядан ўрган-
дим, — дейди колхоз аъзоси
Ҳакима Азимбоева. — Бу иш
ҳар қанчалар қийин, озодагар-
чиликни ва зийракликни та-
лаб қилади.

Дарҳақиқат шундай. Ипак
қуртига ўз вақтида озуқа бе-
риш, хона ҳароратини, нам-
лигини доимий нормада сақ-
лаш, санитария қоидаларига
риоя қилиш муноси аҳамият
касб этди. Ҳозирда у пар-
варишлайётган бир қутн уру-
ғини ривож қилиш. Ипак
қурти тўртинчи ёшга ўтди.
Аянинг мақсади бу йил дав-
латга 90 килограмм пилла-
ни юқори сортларга топи-
ришдан иборатдир.

Қолхозимизда жами
275 қутн уруғ боқилляпти.
— дейди ҳўжаликнинг илloch-
лик агрономи Бахтиёр Му-
хаммаджонов. — Давлатга
16 минг 700 килограмм хом
ашё етказиб бериш юзаси-
дан юксак мажбурият олган-
миз.

Ун бажариш учун эса бу-

тун куч ва имкониёт сафар-
бар этилган. Саври ая из-
дан бораётган илгор шилла-
корлардан Жаннат Раҳмон-
бердиева, Муҳаррам Тўйче-
валар ҳўжалик хирмонига ўз-

ларининг муносиб улушлари-
ни қўиш учун астойдил
ҳаракат қилишмоқда.

З. СУЛТОНАЛИЕВА,
Тошкент районидagi
«Ленин йўли» колхозчи.

ФАРЗАНДЛАР КЎМАГИДА

МУАЗЗАМ ОПА асли кас-
би ишчи. У Қибрайи нон за-
водида меҳнат қилади. Аммо
ипак қурти масъуми бошла-
ди дегунча оила аъзоларини
бир ерга жамлаб, биринчи-
лар қатори қурт уруғини ола-
ди. Маина, йигирма йилдирки
шу аҳвол тақдорланади.

Бу йил ҳам худди шундай
бўлди. У фарзандлари Маҳ-
мад, Фахриддин, Абдула-
зауқий, шунингдек, келини
Ҳакима ҳамда қўғи Анвар-
лардан иборат оиланиг аъзо-
но тузди. Ортиноидега рай-
онидagi «Приват» колхозчи-
нинг 6,5 қутн уруғини пар-

варишлагга киришдилар.
— Ҳўжалигимизда асосан
уруғлик пилла етиштирила-
ди, — дейди колхоз раиси
Абкар Йўлчиев. — Бу эса
ниҳоятда масъулиятли ва
мураккаб вазифа.

Биргина ўтган йилнинг
ўзида у бошлиқ эвено аъзо-
лари ҳар қутн уруғдан 80
килограммдан пилла олади.
Ҳами топирилган хом
ашёдан 250 килограмми
уруғлик учун ажратилди. Бу
йил эвено аъзолари 500
килограмм пилла етиштириб,
шундан 300 килограммининг
уруғга топириш учун ас-
тойдил ҳаракат қилишмоқ-
да. Шу мақсадда қудан-
қунга ипак қурти парвари-
шини авж олдиришляпти.

Қ. ҒУЛОМОВ.

Ғулиқ маҳсулот реализация
илинди. Уттан йили янги
ингрен ГРЭСини кўмир би-
ан таъминлаб беролмаган
орхона, 1986 йилнинг фа-
атинна биринчи кварталда
ландагига кўшимча 20,6
инг тонна кўмир жўна-
ишга муваффақ бўлди.

А. ҒУЛОМОВ.

Халқ ижодиёти Бутуниттифок II фестивали давом этмоқда



«БНЗ АТЕИСТЛАРИМИЗ!»

Яқинда Калинин районидagi Свердлов номи шохозда «БНЗ атеистлари» шiori остида кеча бўлиб ўтди.

Тошкент области комсомол комитети ташаббус билан ўтказилган бу кечада Нисомий номи Тошкент давлат педагогика институтини профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Қаноат Ерзин, республика илмий атеизм уйи области филиалининг директори Бахром Тожибоевлар ислом динининг реакцион моҳияти, турли савқитларнинг зарари ҳақида батафсил гапирдилар, кўплаб саволларга жавоблар қайтардилар. Айниқса, зиёратгоҳ деб номланган жойларнинг муқаддас эмаслигини мисоллар, ишонарли далиллар билан тушунтириб бердилар.

Айрим «зиёратгоҳлар» тарихи ва унинг теварагида тарқалган турли миф-мишлар, аллақандай илоҳийликларини, ёш авлод дунёқарашига салбий таъсир этувчи асоссиз диний ақидаларини фотиҳ бўлиб кечада қатнашчиларда катта таъсирот қолдирди. Меҳнаткашлар шундай мавзуларда тез-тез учрашувлар ўтказиб туриш лозимлиги ҳақида, истак билдирдилар.

А. АБРОХУЖАЕВ.

Ангрен шаҳридаги 29-ўрта мактабда ўқувчиларини эстетик руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор берилган. Мактабда мактаб каттабери алоҳида кўнглида жинҳоланиш жихатидан биринчи ўринни олади. Бу кабинетта музика ўқитувчиси Нозимжон Раҳматов раҳбарлик қилади. Унинг бошчилигида мактабда «Бинафша» ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди. Ансамблининг ҳаваскор ўқувчилари бу йил программаларини янада кенгайтирди.

Улар репертуаридан халқ ижодиёти Бутуниттифок II фестивалига бағишланган кўнглида кўнглилар ўрин олади. Суратларда: ансамбль қатнашчиларини кўриб турибди.

Р. АЛБЕКОВ ФОТОЛАРИ.



ДОХИЙМИЗ В. И. Ленин томонидан юксак баҳоланган кино санъатига партия ва ҳукуматимиз катта эътибор бериб келмоқда. Утган йили ўзининг 60 йиллигини нишонлаган ўзбек кино санъати тарихига назар ташласак, давримизнинг улғуворлиги, совет кишилари максималларининг муштараклиги, тарихимизнинг бой ва мазмундорлиги, бугунги кунимизнинг шикояткорлиги кўзга равшан ташланади. Айни пайтда жанрлар ранг-баранглиги, баъдий савия ўсётганлиги, қардош республикалар кинематографчилари билан ўзаро алоқанинг кундан-кунга мустақамлашиб бораётганлиги қувонарлиқдир.

Санъатнинг бошқа турларида бўлгани каби ўзбек кинематографиясида ҳам бундай ижодий ҳамкорлик кино санъатимиз қалдирғочлари Н. Фанов, К. Ерматов билан бирга ўзбек киносининг пойдеворига илк ғиш қўйган Москва ва Ленинграддаги М. Доронин, Н. Кладов, М. Авербах ва О. Френкларнинг ижодий ҳамкорлигида ҳам яққол намоён бўлган

эди. Кино санъатимизнинг олтин фондидан жой олган биринчи ўзбек овозли фильми «Қасам» шундай ижодий ҳамкорликнинг маҳсули эди. Бу фильмни рус кинорежиссёри А. Усольцев-Гарф ўзбек ҳамкасблари билан бирга суратга олиб, кинематографияга тақдим этганди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек кинематографияси

ларнинг кино санъаткорлари Тошкентда кўплаб фильмлар яратдилар. Ўзбек кинематографчиларининг Киев, Одесса, Монголия, «Ленфильм», «Мосфильм», Тбилиси киностудиялари билан ҳамкорлигидаги қатор фильмлари сўзимизнинг ёрқин далилидир.

Бу ҳамкорлик натижасида ўзбек кино санъати усталари ўз ижодий йўналиш ва услубларига эга бўла боришди. Н.

«НАВО» ТАРОНАЛАРИ



КЕЙИНГИЙ йиллар мобайнида пойтахтимизнинг Фрунзе районидида маданий муассасалар иши анча жонланди. Бу ерда шанба-яшанба кунлари меҳнаткашларнинг дам олишлари кўнглили ўтказиш учун қўлайликлар яратишга эътибор ортиди. Мавжуд маданий уйларида аҳоли талаб ва эhtiякларини ҳисобга олиб «Ойла билан» маданий уйига, «Ойим, дадам ва мен» спортнинг ойнаси, «Биргаликда кўлайимиз, рақсга тушамиз» сингари янги-ча айналарга кенг ўрин берилмоқда.

Айрим маданият муассасаларида ансамбллар сафи кенгайди, баъзиларида эса янги-янгилар ташкил этилди. Районнинг Абдулла Авлоний

кўчасида жойлашган 2-маданият уйида «Наво» мақом ансамбли шу тариқа вужудга келди.

Баъдий коллективга Ўзбекистон радиоси ва телевидениесининг мақомчилар ансамбли хонандаси, тажрибали устоз Изром Малаков, хонанда Неъматжон Қўлабдуллаев, созанда Баҳодир Ҳакимжонов ва Абдуваҳоб Одиловлар раҳбарлик қилишмоқда.

Мақомчилар ансамбли замонавий куйлар ва қўшиқлар ижро этишига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Шойр Қамбар Утаевнинг «СССР — меннинг жонажон мамлакатим» қўшиғига ва бошқа қатор шеърларга Н. Қўлабдуллаев томонидан басталанган куйлар шулар жумласидандир.

Яқинда ансамбль «Тинчлик йили қўшиқлари» мавзусида халқ ижодиёти Бутуниттифок II фестивалига бағишлаб концерт кўрсатди. Ансамблининг бу чиқишида Ж. Исмаилов, М. Миррахимов, Р. Мухомедов, А. Шаламаев, И. Синовий ва бошқа созанда, Ч. Ашуров, Ш. Абдуллаев, И. Зухрафуржеев, Г. Тожибоев сингари хонандалар томошабинлар эътиборини қозонишди.

А. ТОЛИПОВ.

ОММАЛАШГАН НАШРЛАР

ЎРТА аср Шарқнинг улғур алломаси Абу Али ибн Синонинг жаҳонга машҳур бу асари — «Тиб қонунлари: сайланма бўлимлар» Москва халқаро китоб кўргазма-ярмаркасида намоиш қилинган эди. Югославия, Австрия мамлакатлари қатори ГФРнинг китоб савдоси фирмаси вакиллари ҳам Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти чиқарган ушбу китобни қайта нашр этиш мақсадида улдан бир неча нусхасини ўз юртига олиб қайтардилар.

«Фан» нашриёти чоп этган яна бир йилнинг таътири ГФРдаги «Шпрингер» Верлаг фирмаси томонидан босмага тайёрланган бўлди. Танилиш олимидан Т. Азларов ва Н. Володинлар ёзган бу китоб «Тақсимот кўрсаткичлари билан боғлиқ характерли масалалар» деб аталади.

С. ОДИЛОВА.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

КАТТАҚЎРҒОНда «Спартак» Ўзбекистон Советининг велосисте буйича шахсий-команда биринчилиги низоҳатида бўлиб ўтди. Мусобақаларда 700 га яқин спортчи иштирок этди. Команда ҳисобида 514 очко тўплаган Сурхондарё области спартакчилари ғолиб чиқиди. Тошкент области вакиллари эса 487 очко билан иккинчи бўлишди.

ТОШКЕНТДАГИ Г. Титов номида спорт йўналишидаги республика умумтаълим мактаб интернатидида спорт гимнастикаси бўйича очик биринчилиги ўтказилди. Мусобақаларда республикамизнинг турли областларидан кучли спортчилар қатнашди. Иккинчи ўринда гимнастикчилар ўртасида олмалиқлик Р. Галиевага тенг келадиганлар топилмади.

МИНСКда велосипедчилар халқаро уюшмаси календарига киритилган анъанавий баҳорги мусобақаларда 130 пайгачи иштирок этди. Улар орасида Болгария, Венгрия ва чехословакиялик велосипедчилар ҳам бор эди. 200 километрга чизилган пойтахтда тошкентлик Ж. Абдужабборов марра гузгинини биринчи бўлиб касб ўтди.

ТАМБОВда дунё бўйича СССР куботи мусобақалари якунидади. Турнирда иттифокдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарларининг 14 командаси иштирок этди.

Финал гуруҳида Россия Федерацияси полковниги Грузия терма командасининг 6-4 ҳисобида маглубиятга учради, биринчи ўринни эгалладилар. Республикамизда дунё чемпионати маглубиятга учради, бронза совриндори бўлишди.

ТЕРМА КОМАНДАНИНГ ЯНГИ ТРЕНЕРИ СССР футбол федерацияси президиуми мамлакат терма командасининг 1986 йилги жаҳон чемпионати финал ўйинларига тайёргарлиги масаласини кўриб чиқди.

Э. Малофеевнинг шахсий илтимосига кўра ҳамда мамлакат терма командаси составига «Динамо» (Киев)нинг 11 спортчиси киритилганини ҳисобга олиб СССР футбол федерацияси президиуми ушбу командани катта тренера вазифасидан озод қилди ва бу лавозимга В. Лобановскийни тайинлашни тавсия этди.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР

ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

Пионер ташкилоти ташкил топган кунга бағишлаб ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ПРЕМЬЕРАСИНИ ЎТКАЗАДИ

- ОҲАНГАРОН ШАҲРИДАГИ «ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА 17—18 майда — Ер ости шаҳзодаси қайлиги. ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ ХИМИКЛАР МАДАНИЯТ САРОИИДА 17— майда — Каралининг қумуш иллари. ҲАЗАЛКЕНТ ШАҲРИДАГИ «БЎСТОН» КИНОТЕАТРИДА 15—18 майда — Она, мен ҳаётим! ЯНГИОБОД ШАҲРИДАГИ «РАДУГА» КИНОТЕАТРИДА 17 майда — Шаҳарлик қизча. ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ «КОСМОС» КИНОТЕАТРИДА 15—16 майда — Визга эркаклар керак. ЯНГИЎЛ ШАҲРИДАГИ «ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИДА 15—16 майда — Моний рицарь саргузашти. 17—18 — Она, мен ҳаётим! НОВОМИХАЙЛОВСКИЙ ПОСЕЛКАСИДА 15 майда — Дубравка. ЯНГИОБОД ШАҲРИДА 17 майда — Бал-эртақ.

САФАРДА ВА ЧОРБОҒДА

ТРАНЗИСТОРЛИ ИХЧАМ РАДИОПРИЕМНИК СИЗНИНГ СОДИҚ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИ МҲУМКИН. Ригадаги В. И. Ленин номида ишлатиб чиқариш бирлашмасида тайёрланган «СПИДОЛА-230-1» радиоприемниги 7 диапазон-узуни, ўрта, бешик қисқа ва улғура қисқа тўлқинларда ишлайди. Ёнг юқори қуввати 700 мвт. Ҳажми 250х85х105 мм., оғирлиги 3,3 кг. Баҳо-си—111 сўм.

Бу приёмник «373» элементларидан қувват олиб ишлайди. Бир комплект элемент 100—120 соат ишлаганида етади.



МАЗКҲУР ТРАНЗИСТОРЛИ ПРИЕМНИКНИ «ТАШКУЛЬТОР»НИНГ ҚУНИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МҲУМКИН

- 1— Киров кўчаси, 17-уй; 2— Халқлар дўстлиги проспекти, 2-уй; 3— Қорақамш массиви; 4— Куйбисhev массиви, 850-уй (Қўйлиқ бозори); 14—Беруний проспекти, 16-уй (марказ—27 квартал); 11—Сарикўл кўчаси, 1-уй; 15— У. Юсупов кўчаси, 85-уй. «ТАШКУЛЬТОР» (телефон 91-18-79).

Рангли телевизор жозибаси

АГАР СИЗ РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР СОТИБ ОЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

«ТЕМП—738» МАРКАЛИ ТЕЛЕВИЗОРГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ.



Бу телевизор интеграл схемалар, радиолампа ва ярим ўтказгичлардан яғилган. Меғрип диапазон тўлқинидаги кўрсатувларни қабул қилиш учун унда электрон селекторли таксимлашган сенсорли бошқарув блоқи қўлланилган.

Бу телевизорларга магнитофон, видеоманитофон, дециметр диапазондаги каналлар селектори каби мосламаларни улаш кўзда тутилган. Баҳо-си — 720 сўм.

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ САВДО РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ, «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Театр

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/У да Куёв, 16/У да Келинлар кўзголини.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва «Муз устида цирки» коллективининг гастроллари (15, 16/У да 14.30, 19.30).

ЧАВАНДОЗ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ!

Фан ва техника тараққиёти янада жадаллашиб, оғир қўл меҳнати машина ва механизмлар анъимасига ўта бошлаган бир пайтда айрим кишилар тез орада отлар ҳам «Қизил китобга» киритилса керак, деган эдилар. Лекин отлар туғиш кескин камайиб кета бошлаган, ҳукуматимиз уларни қўлайтиришга алоҳида эътибор бера бошлади.

Республикамизда ҳам йил-йилига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ўзбекистонда от спорти 30-йиллардан шакллана бошлади. Шу йили марказий от спорти клуби ташкил этилди. Ҳозир эса чавандозлик мактаблари ва клубларининг миқдорига, умуман, мазкур спорт турининг оммавийлигига кўра Ўзбекистон мамлакатимизда (Россия Федерациясидан кейин) иккинчи ўринда туради. Бугунги кунда республикада жами 27 та чавандозлик мактаби ва клублари ишлаб тузғубди. Мусобақаларнинг энг йириги ва оммавий турлари эса республика отчопарида ўтказилади.

Меҳнаткашларни чавандозлик билан шугулланишга жалб қилиш ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш, уларда отга нисбатан меҳр ўйғотиш мақсадида ипподром қоршида отларни ижарага бериш бўлими ташкил этилди. Бўлим ходимлари спортнинг бу турига ихлос қўйган ёш, чаққон чавандозлар бўлиб, бошловчилар учун отда юриш сирларини ўргатадилар. Бу ерда бир неча йилдан бери қатнаб от спортида яхши тажриба тўплаган чавандозлар оз эмас.

Ипподромга қатнаётганларнинг тажрибасига қараб бўлим спортчилари от танлаб беришди. Илк бор ижара бўлимига келганларга

ювош, итоткор, пассив отлар, бир неча йил қатнаб ҳатто разрядли спортчи бўлиб етишганларга эса чопкир, ёш отлар берилади. Келгусида эса бу ерга келувчилар фақат ўзлари севиб қолган отларда машқ қилдилар. Ана шундайлардан бири республика давлат агросаноат комитети катта инженери Людмила Шчербаковадир.

1971 йилдан бери от спорти билан шугулланаман, — дейди Л. Шчербакова. — Умуман республикамиз отчопарида келиб бўш вақтини жуда мазмунли ўтказиш мумкин. Кўпчилик дам олиш учун вақт етишмайди деб ҳисоблайди. Тўғри, агарда кун тартибининг нотўғри ташкил этсак, вақтимиз етишмаслиги табиий. Лекин отни оз бўлсада севган киши бу ерга бир марта келишга илож топса бас, келгуси гал албатта вақт топа олинмига ишонаман. Ўз тажрибамда шуниси набат қўрганман...

Ипподромга бутун оила билан ҳам келиб дам олса бўлади. — Шу ернинг ўзида болаларни отларда сайр қилдириш ҳам мумкин, — дейди бўлимида бошлиғи Х. Эргашев. — Ихтиёримизда турли зотдаги 26 та отлар бор. Очиғини айтганда отни севмайдиган кишиларни шу пайтгача учратмадим. Эътибор берган бўлсангиз учта оқ от қўшилган файтулар келин-кўвлар билан шаҳар кўчаларида тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Меҳнаткашларнинг буюртмаларига асосан ёшларнинг никоҳ маросимларида ходимларимиз отларда хизмат кўрсата бошлашди. Кишнаб турган чопкир отлар тўйларга қандайдир тантанаворлик киритмоқда.

Лекин бу ерда яратилган шароитлардан ҳозирча кам одам фойдаланаётди. Нима сабабдан шундай, деган сар

вол туғилиши мумкин. Бу ерга қатнаётганларнинг кўпчилиги транспорт хизматидаги ёмонлигидан қўнғишди. Дарҳақиқат, Тошкент отчопари шаҳар четарасига жойлашган. Трамвай линияси эса фақат Чилонзор ва Акмал Икромов район аҳолиси учун қўлайлик туғдиради, холос. Ёнг яқин манзил — «Собир Раҳимов» метро станциясидан бу ерга етиб келиш эса отқилиқ қилапти. Дам олиш кунлари отчопарга қатнайдиган кўпчилик линиялар ташкил этилмоқда. Лекин бу ҳам етарли эмас. Назаримда пойтахтимиз меҳнаткашлари фақат дам олиш кунларида эмас, бўш вақтларида ҳам от спорти билан бемалол шугулланишлари учун шаҳар маркази — Революция хёбонидан ипподромга мунтазам қатнайдиган маршрут очиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.


Р. ИБРОҲИМОВ.



мандлари (юқорида) ва кичиктойларга хизмат кўрсатмоқда.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда" / ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъуд секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватампарварлик — 325645; туғни навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

